

## TERRA INCOGNITA

## ХАРБИН — ҒАРБ ВА ШАРҚ МАДАНИЯТИ ЧОРРАҲАСИДА

Хитойнинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган Хэйлунцзян провинциясининг Харбин шаҳри мазкур худуднинг йирик иқтисодий ва маъмурий, маданий маркази ҳисобланади. У Хитойни Шимолий Осиё худуди билан куруклик, сув ва ҳаво орқали боғловчи муҳим транспорт кўприги ҳисобланади. Харбин Тина ва Цзинь II сулоласининг бешиги бўлиб, Хитой дарёси сингари узун тарихга эга эканлигига амин бўлдик. Хўш, Харбин сўзи қандай маънони англатади?

Манбаларга мурожаат этилганда, Харбин сўзининг бир юз элликка яқин талқини борлигини таъкидламоқ зарур. Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича, Харбин хитойча сўз эмас, унинг иероглифларда ёзилишини турлича таржима қилиш мумкин экан. Кимдир уни (Ха-эр-бинь) “баланд соҳил”, деб таржима қилса, бошқаси “қувноқ соҳил”, учинчиси “сув шаҳри” деб таржима қилади, тўртинчиси эса бу сўзни таржима қилиш мантиқсиз деб ҳисоблайди. Харбин мўғулча “хараба” – “қўйнинг кураги” деган сўздан олинганига ишоралар ҳам бор. Яна бошқа манбаларда шаҳарнинг номланиши мўғул тилидан олинган лиги ва “кечув”, “дарёнинг қайиқлар ўтадиган жойи” деган маънони англатиши ҳақидаги қарашлар мавжуд. Шаҳарнинг географик жойлашувига эътибор берилса, охириги айтилган фикр ҳақиқатга яқинроқ. Чунки XII асрда бу ерларда Цзинь давлатининг пойтахти жойлашган ва у Сунгари дарёсидан Амур водийсига ўтишда кўприк вазифасини ўтаган. Ҳозирги шаҳарга эса, дастлаб 1898 йили руслар томонидан темирўл магистрали ва Трансманжур станциясини қуриш орқали асос солинган. Буни Харбин шаҳрида жойлашган “Кўргазмалар зали”дан ўрин олган экспонатлар ва шаҳарда ҳозиргача Сибирга хос бўлган типик рус меъморчилигининг намуналари сақланиб қолганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

XX асрнинг биринчи ўн йиллигидан сўнг Харбин тўлиқ Хитой қонунчилиги асосида бошқариладиган бўлди. Агар асрнинг бошларида шаҳар аҳолисининг сони 100 минг киши ташкил этган бўлса, унинг 40 мингдан ортиғини рус миллати вакиллари ташкил қилган. Кейинроқ Харбинга турли мамлакатлардан келувчи эмигрантлар сони ортиб борган. 17та давлат ўзининг консуллик пунктини очган. Эмигрантлар сони ортиб борар ва уларнинг катта қисмини россияликлар ташкил қиларди. Манбаларда “Харбин ўша замон учун алоҳида ҳодиса эди. Хитой худудида руслар томонидан қурилиш ишлари олиб борилганлиги боис, у типик худудий рус шаҳарини эслатади, бундай кўриниш XX асрнинг ўрталаригача сақланиб турган”, деган ёзувларни учратиш мумкин. Чиндан ҳам Харбинда сақланиб қолган ва давлат муҳофазасига олинган темирўл вокзали, черковлар, мактаблар, олий ўқув юртлари бинолари рус меъморчилик анъаналарини ўзида ифода этади.

Ҳозирги замонавий Харбин 8та шаҳар ичидаги туман ва 10та уездни ўз ичига олади, умумий майдони 53000 квадрат километрни ташкил этади. Шаҳарда 10 миллионга яқин аҳоли яшайди.



**Замонавий Харбиннинг умумий кўриниши**

Шаҳарда асосан – машинасозлик, шунингдек электроэнергия, нефт ва кимё саноатини қайта ишлаш корхоналари учун ускуналар, кемасозлик, вагонсозлик, станок қуриш сингари ишлаб чиқариш инфраструктураси ривожланган. Бундан ташқари, кимёвий, фармацевтик, тўқувчилик, чармсозлик, дарахт кесиш ускуналари, қоғоз саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш корхоналари ҳам мавжуд. Харбин қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотувчи йирик савдо маркази ҳам ҳисобланади.

### **Харбин мусиқалар шаҳри**

Сунгари дарёси бўйларида чимлар узра яна яшил чимлардан ясалган улкан нота белгилари ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Уларни кўрганда аввалига шу яқин атрофда мусиқа мактаби ёки ижод уйи бўлса керак, деб ўйлайсан. Ҳатто шаҳар марказий чорраҳаларининг бирида учта мусиқа асбоби – руслар балалайкаси, хитойликлар пипаси ва скрипканинг улкан ёдгорлигини кўргач, яқин орада консерватория жойлашганлигига шубҳа қилмайсан. Бу ёдгорликнинг бўйи 12 метр ва оғирлиги 15 тоннадан ортиқ бўлиб, балалайка сариқ, пипа қизил ва скрипка жигар рангларда ёрқин ва байрамона безатилган. Аммо кўп ўтмай қилган бу “башорат”лар ўзини окламайди. Чунки бу ҳудудда мусиқа мактаби ҳам, консерватория ҳам йўқ, аммо мусиқа истироҳат боғи бор. Истироҳат боғидан турли оҳанг садолари эшитилиб туради.



Хитойнинг Хабаровскда ўрнатган мусиқа асбоблари ҳайкалтарошлик намунаси

“Байкал 24” ахборот агентлигининг хабар беришича, баландлиги 12 метр келадиган балалайка ва пипанинг кўриниши акс этган 15 тонналик худди шундай мусиқий асбоблар ёдгорлиги Россиянинг Хабаровск шаҳрида ҳам ўрнатилди. “ Бу ўзига хос ёдгорликнинг ҳайкалтарошлик композицияси Пекинда тайёрланиб, Харбин орқали Хабаровскка келтирилди ва ўрнатилиши жараёнида уни бир неча марта йиғиб-теришга тўғри келди, – дейди Хабаровск шаҳар мэрининг халқаро ва ташки иқтисодий алоқалар бўйича ўринбосари Александр Александров. – Бундай ноанъанавий ёдгорлик – биродарлашган Харбин шаҳридан совға, у икки давлат – Хитой ва Россия дўстлигининг тимсоли бўлиб қолган”.

Таъкидлаш жоизки, Харбин нафақат йирик саноатлашган шаҳар, балки турли халқаро мусиқий фестиваллар ва танловлар ўтказиладиган маданият маркази ҳам ҳисобланади. Хитойнинг бошқа шаҳарлари ичида Харбин биринчилардан бўлиб Европа мумтоз мусиқасига мурожаат этган. Шу маънода, биринчи фортопиано мусиқаси, биринчи симфоник оркестр концерти, биринчи мусиқа мактаби мана шу шаҳарда ташкил қилинган. Харбинда ҳар йили анъанавий тарзда “Харбин ёзи” деб номланган мусиқа фестивали ўтказилади. 2010 йили шаҳар Бирлашган миллатлар ташкилотининг “Харбин – мусиқа шаҳри” деган фахрли унвонига сазовор бўлган. Бундай шарафли ном “Харбин ёзи” мусиқий фестивалининг ўтказилишига эллик йил тўлиши муносабати билан, бутун Осиёда биринчи бўлиб Харбин шаҳрига берилган. Шаҳар кўчаларини кезганда, узоқдан бир

қарашда чиғаноқни эслатувчи ярим доира шаклдаги иншоот – Харбинда барпо этилган янги концерт зали кўзга ташланади.



**Харбинда барпо этилган замонавий концерт зали**

Замонавий янги технологиялар асосида қурилган мазкур муסיқа иншоотининг баландлиги 30метр, у тўртта ер усти ва битта ер ости концерт залларидан иборат. Ер устида жойлашган заллар 1200, ер ости зали 400 кишига мўлжалланган. Концерт залининг қурилишида ранг-баранг кристалл тузилишдаги ҳайкалтарошлик унсурларидан фойдаланилган, муסיқа заллари ички деворлари овозни тутиб қолиш учун махсус ойна ва сопол плиталар билан қоплаб безатилган. Натижада бу ерга келган томошабин тиниқ муסיқа оҳангларидан ҳузурланади. Харбинликлар муסיқани жуда севади. Ҳар йили ёзда ташкил этиладиган муסיқа фестивалини томоша қилиш учун буюртмалар олдиндан берилади. Фақат бугина эмас...

### **Харбин музликлар салтанати**

Харбин шаҳри мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан табиатининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ерда йилнинг тўрт фасли ўзининг тўлиқ инкишофини топади. Баҳорда шаҳар яшилликка бурканса, ёзда салқин – дам олиш учун қулай. Куз офтоби тиниқ. Осмони булутсиз бўлгани боис, ўрмонлари турфа рангларга бурканади. Бутун қиш фасли эса қумуш тусга қиради. Бошқа фаслларга қараганда, Харбин қиши (айниқса, унинг Краснодар кенгликларида жойлашишини ҳисобга олганда) жуда совуқ ва узоқ давом этади. Қишда ҳаво ҳарорати  $-40^{\circ}$ гача пасаяди. Қор тушиши октябрь ойидан бошланиб, совуқ апрелгача чўзилади. Харбин қишининг ўзига хослиги шундаки, энг совуқ иккинчи ой февраль эмас, балки декабрь ҳисобланади. Бунга сабаб – Харбиннинг шимолий-шарқда жойлашганилиги бўлиб, декабрь ойида қуёш ҳарорати энг паст кўрсаткичга тушади.

Қиши суронли ва совуқ бўлишига қарамай, харбинликлар учун бу фаслнинг ҳам ўзига хос гашти бор. Чунки қишда шаҳар ҳақиқий музликлар салтанатига айланади. Шунданми, Харбин Хитойнинг “музликлар пойтахти” деган номни ҳам олган.



Муздан ясалган шаҳар

Ҳар йили қиш ойида Сунгари дарёси бўйларида “Қор ва музликлар улкан олами” деб номланган фестивал ўтказилади. Унга дунёнинг турли бурчакларидан келган ҳайкалтарош усталар ўзларининг санъатларини қор уюмларида ифода этиб, одамларда унутилмас таассуротларни қолдиради. Фестивал доирасида шаҳарнинг Қуёш оролида муз ҳайкалтарошлиги ярмаркалари ташкил этилади. Қиш фаслининг энг совуқ пайтига тўғри келадиган бу ярмаркалар Хитойдаги энг биринчи ва энг катта қишқис диснейленд ҳисобланади. Ҳар бир ярмаркада Хитой ва халқаро муз ҳайкалтарошлари ўртасида ҳақиқий беллашувлар бўлиб ўтади. Хитой ва Харбин санъат боғларида қор ва муз ҳайкалтарошлиги сайиллари ўтказила бошлаганига ўттиз йилдан ошди, бундай санъат тури бўйича у дунёнинг етакчи шаҳарларидан бирига айланди.

Анъанавий тарзда ўтадиган қор ва муз ҳайкалтарошлиги фестивали, Хитой ва Харбиннинг тантанали байрамларидан. Чунки у бир пайтнинг ўзида сайёҳлик, иқтисодиёт, савдо, маданият ва санъат муносабатларини ўзида ифода этади. Масалан, Хитой ва Харбин халқаро иқтисодий ярмаркаси шаҳар халқ ҳукумати томонидан ташкил этилиб, бир пайтнинг ўзида қор ва муз фестивали доирасида ўтказилиши билан халқаро миқёсда жуда машҳур. Чуқур мазмун ва маҳаллий ўзига хосликни ифодаловчи бу ярмарка ишбилармонлар учун ҳақиқий мулоқотлар марказига айланади. Фестивал ўтказиладиган кунлар жаҳоннинг Гиннес рекордлари китобига кирганлиги билан билан дунёга машҳур. Харбинликлар эса ўз шаҳарларида бундай фестивалнинг ўтказилиши билан фахрланишади.

Бундан ташқари, шаҳар чанғида учишнинг бир неча тури бўйича сайёҳлар базасига эга. Ябули, Мао Эр Шань, Эр Лун Шань, Ти Хуа, Пин Шань Шэн Лу кабилар ана шулар жумласидан бўлиб, уларга ҳар йили нафақат харбинликлар, балки жаҳоннинг турли бурчакларидан чанғида учишни севадиган сайёҳлар келадилар.

### Тил билганга минг танга...

Табиийки, ҳар қандай муносабатларда тил, айниқса, хорижий тил муҳим коммуникация воситаси ҳисобланади. Бу Хитойнинг шимолидаги йирик шаҳар – Харбин учун ниҳоятда аҳамиятга молик масала. Чунки бу ерга ҳар куни турли мамлакатлардан олимлар, мутахассислар, ишбилармонлар, сайёҳлар келади. Улар билан мулоқот қилиш, ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда хорижий тил асосий кўпроик вазифасини ўтайди. Шу боис, Хитойнинг бошқа шаҳарлари қаторида харбинликлар ҳам хорижий тилларни ўрганишга катта эътибор қаратади. Шаҳардаги қайси бир ташкилотга борсангиз, у ерда хитой тилидан кейин рус, инглиз ёки бошқа чет тилини ўрганишга жиддий эътибор қаратилишига гувоҳ бўласиз. Бизнинг делегациямиз учун тақдиротларнинг аксарияти рус тилида тайёрланганди. Албатта, бунинг ўз сабаблари бор. **Биринчидан**, шаҳар жойлашган ҳудуд шимолий-шарқий тарафдан Россия билан чегарадош, **иккинчидан**, шаҳарга 1898 йили руслар томонидан асос солинган ва ҳозирда ҳам маҳаллий аҳоли орасида руслар кўпчиликини ташкил этади. **Учинчидан**, Россия Хитойга кўшни давлат бўлиши билан бирга, йирик ва энг асосий стратегик ҳамкор ҳамдир. Шу боис, Хитойдаги олий ўқув юрларининг кўпчилигида рус тили ва адабиёти факультети мавжуд. Хитойга сафаримиз давомида бизга таржимонлик қилганларнинг ҳаммаси шу факультетларнинг битирувчилари эди. Шаҳарда рус тилида газета ва журналлар ҳам чоп этилади. “Партёры” журнали ана шундай нашрлардан бири ҳисобланади. У рус ўқувчилари ва Россия учун мўлжалланган, асосан, Хитой ва Россиянинг турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари бўйича янгиликларни ёритади.

Сафар чоғида бизни Харбин шаҳар халқ ҳокимияти ташқи ишлар бошқармаси Россия ва Шарқий Европа бўлими бошлиғи Ли Чунхуи ва унинг ўринбосари Цзи Юйцзя хонимлар қабул қилишди. Уларнинг иккаласи ҳам рус тилида яхши сўзлашади. Мулоқот давомида Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг истиқболлари хусусида фикр алмашилди. Киев давлат университетида таҳсил олган Цзи хоним рус тилини яхши билиши ва сўзларни жуда чиройли ва ўринли қўллаши билан эътиборни тортди. Дипломатия соҳасида ишласа-да, адабиётга қизиқиши, жаҳон ва Хитой тарихи, адабиёти ва фалсафасини яхши билиши кўриниб турарди. Унинг айтишича, хорижий тилларни биладиган мутахассислар бу ерда жуда қадрланар экан. Шунинг учун олий таълим муассасаларида хорижий тилни ўргатишга катта эътибор қаратилган. Бу нафақат Хитойда, балки Ўзбекистонда ҳам энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Назира ҚУРБОН